

АҚШ мусулмонлари: Масжидда намоз ўқиш катта неъмат



12:00 / 30.04.2021 2147

Ниқоб тақишга, ҳароратни текширишга ва чекланган миқдордаги масжидларга боришга мажбур бўлган Америка Қўшма Штатларидаги мусулмонлар Рамазон ойида масжидда намоз ўқиш неъмат деб билишади.

«Бу йилги Рамазон ойи ҳали ҳам фарқланиб турибди», дейди Виржиния штатининг Александрия шаҳридаги масжидга борадиган эфиопиялик Амир Муҳаммад.

Виржиния штатининг Фоллс-Черч шаҳридаги Ал-Ҳижра Ислом маркази жамоатчилик билан алоқалар раҳбари, имом Наим Байг ҳам масжидлар ибодат учун очилганидан мамнун: «Одамлар масжид очиқ эканидан жуда хурсанд. Бу уларга жамоа ҳисси – бир-бирини кўриш ва биргаликда ибодат

қилиш имкониятини беради».

«Дўстларимни ва қариндошларимни ифторга таклиф қилишни соғиндим», дейди Теннесси штатидаги Ноксвилл мусулмон жамоасининг ҳаммуассиси. Шимолий Америка Ислом жамоатчилиги билан ишлаш бўйича имом Рафиқ Махди: «Биродарлик руҳи ва болаларнинг кулгусини қўмсадим», дейди. — Шу боисдан бўлса керак масжидлар ва мусулмон ташкилотлари ижтимоий масофага риоя қилган ҳолда, муҳтожларга зарур озиқ-овқат тўплamlарини тарқатиш каби хайрия ишлари билан шуғуллана бошлаганлар.